

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ ТОШЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАДАМЖОЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ

Акчаев Фаррух Шавкатович,

Жиззах давлат педагогика институти тарих ўқитиш
методикаси кафедраси катта ўқитувчиси

For citation: Akchayev Farrux. Sacred places and customs related to the stones of the Dzhizak oasis. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 5, pp. 11-20.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-5-2>

Келиб тушган сана 5 апрель, 2019

Эълон қилинган сана 31 июнь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Жиззах воҳаси аҳолиси томонидан бир неча асрлар давомида муқаддас деб зиёрат қилиб келинаётган тошлар билан боғлиқ қадамжолар, улар билан боғлиқ афсона ва ҳақиқатлар, зиёратгоҳларда ўтказиладиган баъзи удум ва маросимлар дала тадқиқотлари ҳамда илмий адабиётларга асосланган ҳолда таҳлил қилинган. Шунингдек, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар тўғрисидаги халқона қарашлар замирида исломдан олдинги табиат култи, оила, деҳқончилик ва ҳосилдорлик ҳомийлари саналган маҳаллий культлар билан боғлиқ қарашлар билан бирга ибтидоий диний тасаввурлар таркибига кирувчи тотемизм, анимизм ва фетишизмга оид қарашлар ҳам сақланиб қолинганлиги эътироф этилган.

Калит сўзлар: Тарихий-этнографик минтақа, Жиззах воҳаси, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, маҳаллий культлар, тошлар ва қоялар, Кўк тош, Бўтатош, Тешиктош, Оқтош, Сўгалтош, Учқизтош, Қизучган қояси.

СВЯТЫЕ МЕСТА И ОБЫЧАИ СВЯЗАННЫЕ С КАМНЯМИ ДЖИЗАКСКОГО ОАЗИСА

Акчаев Фаррух Шавкатович,

старший преподаватель

Джизакского государственного педагогического

института кафедра преподавание методике истории

АННОТАЦИЯ

В данной статье связанной с камнями, их легендой и истиной святынь считавшиеся на протяжении нескольких веков населением Джизакского оазиса, священными местами паломничества, представлено на основе проведенных на святых мероприятиях, связанных с местными обычаями, а также на полевых исследованиях на научной литературе. Также, признано, что культ природы до ислама, на основе народных взглядов о святых местах и местах паломничества вместе со взглядами связанными с местными культурами считающимися покровителями семьи, земледельчества и плодородия входящих в состав первобытных религиозных представлений сохранились и взгляды на тотемизм, анимизм и фетишизм.

Ключевые слова: историко-этнографический регион, Джизакский оазис, святыни, местные культы, камни и скалы, синие камни, Бутаташ, Тешикташ, Акташ, Сугалташ, Учкизташ, скала Кизучган.

SACRED PLACES AND CUSTOMS RELATED TO THE STONES OF THE DZHIZAK OASIS

Akchayev F.Sh.

Teacher of history faculty

of Dzhizak state pedagogical institute

ANNOTATION

This article refers to the stons and Related legends and places of pilgrimage that have existed for several centuries. Such places were identified and investigated on the territory of the Jizzakh oasis. Also, it is recognized that the cult of nature to Islam, based on popular views about holy places and places of pilgrimage, together with the views associated with local cults considered patrons of the family, agriculture and fertility included in the primitive religious views, persisted and views on totemism, animism and fetishism.

Key words: historico-ethnographical region, Jizzakhoasiz, shrine, local cults, stones and rocks, Blue stones, Bushstone, Hole stone, White stone, “Sugal stone”, Uchkiztosh”, “Kizuchgan” rocks.

Юртимизда бугунги кунда халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданий меросини тиклаш ҳамда уни дунё жамоатчилигига етказиш борасида кўплаб муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари каби Жиззах воҳаси ҳам ўзига хос, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, воҳани минг йиллар мобайнида қулай географик ўрни ва Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги сабабли ғоят хилма-хил маданиятлар ва анъаналар туташган, ўзаро уйғунлашган ҳолда шаклланган макон сифатида қайд этиш мумкин. Шу боисдан ҳам ҳозирда Жиззах воҳаси зиёратгоҳларини анъанавий халқ маданиятининг феномени тарзида тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Инсоният борки, у эътиқод қилади, сиғинади, руҳан ва маънавий жиҳатдан покланишга ҳаракат қилиб, илоҳий қувватга эга бўлган муқаддас жойларни зиёрат қилишни хоҳлайди, чунки зиёрат қилиш кишилар руҳиятига катта таъсир кўрсатади ва руҳини поклайди.

Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар тўғрисидаги халқона қарашлар замирида исломдан олдинги табиат култи, оила, деҳқончилик ва ҳосилдорлик ҳомийлари саналган маҳаллий культлар билан боғлиқ қарашлар шунингдек, ибтидоий диний тасаввурлар таркибига кирувчи тотемизм, анимизм ва фетишизмга оид қарашлар ҳам сақланиб қолинган. Шу сабабдан элшунос олим Г.П.Снесаревнинг қадимги культлар ўрнини исломий авлиёлар эгаллаб, авлиёларнинг зиёратгоҳлари пайдо бўлганлиги тўғрисидаги фикрлари илмий асосга эга. Олим И.Гольдцигер “Муқаддас культларга сиғиниш ислом динига бошқа дин ва эътиқодларнинг қолдиқлари кириб келишига дарча бўлиб хизмат қилган, яъни ислом дини ичида қадимги диний эътиқодларнинг қолдиқлари сақланиши ва ривожланиши учун қобил бўлиб хизмат қилди ва яшаш учун муҳит яратган”, деган фикр тўғри эканлигига амин бўлди. Бундан кўринадики, азиз-авлиёлар культининг тарихий илдизларида икки манбадан, дин тарихининг икки босқичи—аждодлар култи ҳамда Ўрта Осиё цивилизацияси шароитида юзага келган маҳаллий культлардан келиб чиқади. Ҳубби ва Анбар она мисолида бунга амин бўлиш мумкин. Муқаддас культларда Ўрта Осиё қадимий эътиқодларининг турмуш тарзи ва ҳўжалик ҳаёти билан боғлиқ элементлари асрлар оша шаклланган [1, 279].

Ўзбек этнографи И.Жабборов ўз асарларида авлиёлар культини тадқиқ қилар экан, жумладан шундай дейди: “Ўтган аждодлар арвоҳ-

га сажда қилиш, уларни хотирлаш, табиат кучларига сиғиниш натижасида жуда кўп муқаддас жойлар ва авлиёлар вужудга келган” [2,236]. Яъни, энг қадимий даврларга оид табиат кучларига сиғиниш билан боғлиқ ашёлар (ғалати шаклдаги тошлар, ерга қадалган таёқ ёки мато бўлаклари осилган якка дарахтлар) ҳозиргача кўп жойларда учрайди.

Этносоциологик тадқиқотлар давомида аниқланишича, маҳаллий халқларнинг анъанавий дунёқарашига кўра, қадамжоларнинг шаклланишида ўз даврининг авлиёлик кароматлари билан боғлиқ ҳолда тошга айланганликлари ёки тешик тошга кириб ғойиб бўлганликлари, қурбонлик ўтказиш объекти бўлганлиги ва айрим ноёб хусусиятига, шакл ва рангига эга бўлган тошлар ҳақидаги ривоятлар мавжуд бўлган. Бундай сиру-синоатлар эса қадимдан воҳа халқлари дунёқарашида ушбу жойлар илоҳий ва муқаддас саналганидан далолат беради. Аждодларимиз тоғнинг юқори қисмида эзгулик, остида ёвузлик руҳлари яшашларига ишонганлар. Туркий халқлар асотирларида тоғ ва ғорлар ибодат жойлари сифатида талқин этилиши бежиз эмас [3, 25; 303; 229].

Ғайритабиий шаклдаги ғорлар, тошлар ва қоялар, шифобахш булоқлар ва кекса дарахтлар ҳам зиёратгоҳларга айланган [4, 236]. Айнан бундай ҳолатларнинг исботи тарзида вилоятнинг Янгиобод туманидаги “Кўк тўнли ота” (зиёратгоҳ асосини кўк тош ташкил этади), Бўтатош вали, Тешиктош зиёратгоҳлари, Зомин туманидаги Парпийим (4-расм), Оқтош ота, Хўроз ота ва Сўгалтош зиёрат масканлари, Ш.Рашидов туманидаги Парпи ота (3-расм), Қулписар ота зиёратгоҳ (2-расм)лари ва Учқиз қадамжоси (5-расм), Фориш туманидаги Тешиктош чиллахонаси (6-расм) ва Қизучган қояси, Ғаллаорол туманидаги Сайфин ота зиёратгоҳини асосини ташкил қилувчи қабр тошлар ва Соврук ота зиёратгоҳи (1-расм) ҳудудидаги тешик тошни муқаддас билиб унга сиғинишни келтириш мумкин.

Марказий Осиё ҳудудларида Бешиктош, Одам тош, Омбир тош, Кўйтош, Сирли момотош, Куёвтош, Қизтош номли тошлар билан боғлиқ афсона ва ривоятлар мавжуд [5,100].

Шу ўринда Жиззах воҳаси ҳудудида жойлашган тошлар билан боғлиқ айрим муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, уларнинг вужудга келиши билан боғлиқ ривоятларга тўхталамиз; Янгиобод тумани Пасткисармич қишлоғида Тешиктошбобо қадамжоси жойлашган бўлиб, қадамжода 2 дона нисбатан катта ва 1 дона кичик кўринишдаги тешиктош мавжуд [Дала тадқиқотлари, 2].

Маҳаллий аҳоли ўртасида ушбу муқаддас қадамжо билан боғлиқ қуйидагича ривоят сақланиб қолинган. Ислом дини тарғиботчилари-

дан бири бўлган номалум авлиё душманларидан қочиш мақсадида ушбу Тешиктош жойлашган ҳудудга келиб, тошлар орасига кириб ғойиб бўлган кейин душманлари келиб қараса тошларда тешик пайдо бўлган. Шу-шу маҳаллий аҳоли ушбу тошларни муқаддас билиб зиёратгоҳга айлантирган [Ахборотчи, 1].

Тумандаги яна бир тош билан боғлиқ зиёратгоҳ Юқорисармич қишлоғида жойлашган бўлиб унда бўталоқни эслатувчи маҳаллий аҳоли ўртасида муқаддас саналган тош мавжуд [Дала тадқиқотлари, 2].

Маҳаллий аҳоли вакилларининг таъкидлашларича, Тожикистон Республикаси Шаҳристон тумани Холдорқипчоқ қишлоғида Туятоши вали зиёратгоҳи бўлиб бу ерда жойлашган Бўтатош вали зиёратгоҳи шу билан боғлиқ бўлиб, Туятош ва Бўтатошлар авлиё ёки авлиёларнинг туяси деган қараш мавжуд. Зиёратгоҳни вужудга келиши тўғрисида қуйидагича ривоят сақланиб қолган;

Туятош кўринишидаги авлиё болалари билан динни тарғиб қилиб юрган пайтда душманлар уни ўлдириш мақсадида таъқиб қилишади. Шунда Туятош Аллоҳга илтижо қилиб, душманлар унга зарар етказа олмаслиги мақсадида фарзандига қарата “Тош бўл” дейди ва фарзанди бўталоқ кўринишидаги тошга айланиб қолади [Ахборотчи, 2].

Туманнинг Муғол қишлоғига кираверишдаги тепалик устида жойлашган Кўк тўнли ота зиёратгоҳи ҳудудидаги кўк тошга асосан болаларда учрайдиган кўк йўтални даволаш учун зиёратчилар ташриф буюради. Бу ерда учрайдиган маросимларнинг ўзига хос хусусияти шундаки зиёратчилар боланинг бўйига мос келадиган кўк матодан кўғирчоқ ясаб келишиб кўк тош билан боғлиқ удумлар бажарилгандан сўнг пастдаги сойликка олиб бориб ёқиб юборишади [Дала тадқиқотлари, 3].

Юқорида таъкидланганидек, қадимги даврда диний тафаккур табиатга сиғиниш йўли билан ривожланган ва табиатдаги баъзи бир унсурлар қизлар, аёллар сифатида тушунилиб, айрим руҳлар аёллар номи билан аталган.

Худди шундай муқаддас саналган манзиллардан бири Зомин туманининг Увол қишлоғи ҳудудида жойлашган Парпиойим зиёратгоҳи (-Дала тадқиқотлари, 4) дир.

Зиёратгоҳ тўғрисида маҳаллий аҳоли ўртасида жуда кўплаб ривоятлар сақланиб қолган бўлиб, бу ривоятлар илмийлик нуқтаи-назаридан таҳлилга мухтож. Мисол учун Парпи ойим, Ш.Рашидов тумани Работ ҚФЙ ҳудудидаги Парпи ота зиёратгоҳига номи берилган авлиёнинг сингиси деган қараш мавжуд. Бу икки зиёратгоҳни умумий жиҳатлари сифатида иккаласини номланиши, тешик тошнинг мав-

жудлиги ва ёш болаларда учрайдиган “парпи” (тиббийёт тилида кахекция) касаллигини даволаш учун зиёратчиларни келишини айтиб ўтиш мумкин.

Араб тилида “парфи” – “оқ” деган маънони англатишини инобатга олсак ислом дини кириб келгандан кейин маҳаллий аҳоли бу муқаддас саналган жойларга “Парпи ота” – “оқ ота”, “оқ кийимли ота”, “оқ ниятли ота” ёки оқ рангли тешиктошга нисбат берилиб “оқ тош ота” каби номлар билан атаб келинган [6, 34], Парпи ойим эса “Парпи она”- “Оқ она”, “Пок ва бегуноҳ она” бўлиши эҳтимолга яқинроқ.

Ахборотчиларни берган маълумотларига таянадиган бўлсак, ушбу зиёратгоҳга асосан кўп йиллардан буён хомиладор бўлмаган, икки-ч нафар фарзандлари бир ёшга кирмасдан вафот этган аёллар зиёратга келишади ва дуолари ижобат бўлиб фарзандли бўлишгандан сўнг бу ердан олиб кетган тошларини қайтариб олиб келиб маросим ўтказиб кетишади [Ахборотчи, 3].

Тарихий маълумотларга қараганда, худди шундай анъаналардан бири Турк хоқонлиги даврида ҳам бўлиб, оналик сифатларга эга аёл илоҳаларнинг бири Умай ҳисобланган. Маҳмуд Кошғарий “Умай” сўзининг мазмунига тўхтаб, уни “йўлдош” деган, лексик маънода келтиради. Умайни ёш, туққан аёллар қорнидан чиқувчи нарса деб, болани қорнидаги йўлдоши эканлигини баён қилади. Қадимги турк халқларида “Умайга сиғинса ўғил бўлур” деган мақолнинг кенг тарқалгани, кимда-ким (аёл кишидан) Умай руҳига сидқидилдан хизмат қилса, у ўғил туғади деган ирим ўрин олганлигини ёзади. Ҳақиқатан ҳам аёллар ўғилли бўлиш учун Умай руҳига сиғиниб, ишонч билан умид қилганлар. Айниқса она ва ёш болани ёмон руҳлардан, ёвуз кучлардан, жин-ажиналардан сақловчи, яхшилик келтирувчи деб тушинишган [7].

Бундан кўринадики қадимга турк халқларида Умай-Она бир тарафдан ботир-қаҳрамонларнинг урушда ўз онасига сиғингандай сиғиниш манбаи деб тушунилса, иккинчи томондан эса кенг қўламда ёш болаларнинг тарбияланиб чиқишидаги ғамхўри, боланинг она қорнидаги ва бола туғилгандан кейинги даврдаги уни турли ёмон руҳлардан сақлаб юрувчи йўлдоши деб ҳисобланган.

Зомин тумани Пешағор қишлоғига қарашли, Пешағор қабриси-тони ичида мўъжазгина Зиёратгоҳ мавжуд бўлиб, маҳаллий аҳоли уни Оқтош ота зиёратгоҳи деб аташади. Зиёрат хоноқохи ичида рамзий қабр, иккита йирикроқ оқ тошлар мавжуд [Дала тадқиқотлари, 5].

Ахборотчиларнинг берган маълумотларига қараганда, Зиёратгоҳдаги тупроқ хосиятли бўлиб, турли-хил тери касалликлари хусусан, оқ доғлар, турли яра ва тошмаларга даво бўлади. Зиёратгоҳга бугунги кунда шу қишлоқда истиқомат қилувчи қирқ уруғи вакилларидан ташқари, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг кўплаб туманларидан ташриф буюрувчиларнинг қадами узулмайди [Ахборотчи, 4].

“Парпи ота” зиёратгоҳи Ш.Рашидов туманининг Парпи ота ва Ялпоқбош қишлоқлари ҳудуди туташган масканда жойлашган бўлиб маҳаллий аҳоли томонидан минглаб йиллардан буён азиз маскан сифатида эъзозлаб келинади. Зиёратгоҳга асосан фарзанд кўриш ва қутирган ит қопган кишилар шифо топиш мақсадида ташриф қиладилар. Зиёратгоҳда сирли-синоатли деб топилган тешиктош бўлиб, ахборотчиларни таъкидлашича “гуноҳи борларни поклар эмиш...” Тешиктошга туташтириб хонақоҳ, айвон, алоҳида масжид биноси қурилган. Баъзи манбаларда зиёратгоҳга XII асрда яшаб ўтган машҳур шарқ муҳаддислик илмининг буюк билимдони, сўфийлик тариқати сардорларидан бири Ал-Аҳмад ибн Абдуҳамид Ғаззолийнинг (вафоти тах.1122 йил) қадами етган деб тахмин қилинади.

“Қулписар ота” зиёратгоҳи Ш.Рашидов туманининг Шароф Рашидов ҚФЙ ҳудудида жойлашган бўлиб, зиёратгоҳ ҳудудида хонақоҳ, масжид, археологик ёдгорликлар ўрни, қалъалар қолдиқлари ва кўҳна қабристон мавжуд [8, 37].

“Қулписар ота” зиёратгоҳи ўлкамиздаги тарихчи ва археологлар томонидан ўз йўналишлари нуқтаи-назаридан ўрганилган. Жумладан, 1956 йилда ЎзР ФА Тарих ва археология институтининг Я.Ф.Фуломов бошлиқ Мохандарё экспедицияси Жиззах воҳаси археологик ёдгорликларини ўрганиш жараёнида Жиззах шаҳридан 30 км шимол томонда, яъни зиёратгоҳ ҳудудида жойлашган қадимда кўчманчилар дашти билан чегарада қурилган IX-X асрларга оид Қулписар рабоди ва илк қурилиш даври милодий I-II асрларга оид Дунёттепа қалъасини очиб ўрганган [9, 92-93; 11).

Шунингдек, ушбу объектни ўрганиш мобайнида Дунёттепадан 100-120 м шарқ томонда жойлашган “Қулписар ота” зиёратгоҳининг асосий сифиниш ва қурбонлик учун жонлиқ сўйиладиган, ўлчами 180 см х 150 см ва баландлиги 120 см бўлган бир нечта тош бўлақларидан тикланган ва усти тош плита билан ёпилган, қон излари сақланиб қолган тош иншооти ҳам ўрганилган. Я.Ф.Фуломовнинг фикрича, “Қулписар ота” ёдгорлиги муқаддас ҳисобланиб, бу ерга келган шифо ёки мадад талаблар дольмен ва узун сағанага сифинишган. Қурбонлик учун олиб келинган жонлиқлар шу ерда сўйилган. Бу ерга келганлар

иншоотнинг юқорисидаги туйнукдан ўтишган. Бундай дольменлар дафн иншооти сифатида бронза давридан то ислом дини оммалашгунча кенг ёйилган” [10, 92-93; 94-96).

Ш.Рашидов туманидаги Учқиз қишлоғида Учқиз қадамжоси жойлашган бўлиб [Дала тадқиқотлари, 6], маҳаллий аҳоли ўртасида ушбу зиёратгоҳни пайдо бўлиши тўғрисида қуйидагича ривоят сақланиб қолган. Қадим замонда ушбу қишлоққа ёв бостириб келганда бир авлиё кишини уч нафар қизи бўлади. Қизлар душмандан қочиб кетаётган вақтда уларнинг тароғи тушиб қолиб тут дарахтига, ойнаси тушиб қолиб ойнатошга айланади ва қизларга душман яқин келган вақтда улар Аллоҳга душманни қўлига тушгандан кўра тошга айлантир бизни деб илтижо қилади ва учала қиз тош бўлиб устма-уст қотади [Ахборотчи, 5].

Фориш туманининг Сайёд қишлоғидаги қояда Қизучган табиат ёдгорлиги жойлашган [Дала тадқиқотлари, 7] бўлиб, уни пайдо бўлиши тўғрисида маҳаллий аҳоли орасида қуйидагича ривоят сақланиб қолган. Қадимда ушбу ҳудудда яшаган бир қиз ва йигит бир-бирларига кўнгил қўйишади. Қиз бадавлат оиладан йигит эса бечораҳол бўлганлиги сабабли қизнинг оила аъзолари уларнинг оила қуришига қаттиқ қаршилик кўрсатиб, қизни ҳаттоки кўчага чиқишини ҳам таъқиқлаб қўйишади. Бир-бирига кўнгил қўйган аммо бирга бўлаолмасликларини билган ёшлар ушбу қоя олдига келиб пастга сакрашади ва қоядан йигитнинг қони оқ, қизнинг қони қизил рангда бўлиб, қояда сақланиб қолади. Ушбу воқеа сабаб қоянинг номи ҳам Қиз учган қояси деб аталади (Ахборотчи. Исмоилов Самандар 35 ёш. Фориш тумани Сайёд қишлоғи, 2017).

Юқорида келтирилган ривоятлар воҳа аҳолиси орасида тошларни муқаддас билганлигидан далолат бериб, бундай тошлар инсоният бошига бирон бир мушкуллик пайдо бўлган кезларда ҳалоскорлик вазифасини ҳам ўташи ҳақида сўз юритилади. Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, туркий халқлардаги "Яда" номли тош қурғоқчилик вақтида ёмғир ёғдирувчи восита бўлиб хизмат қилган [11]. Тошларда қудратли куч мавжудлигига ишониш қадимги халқларни тошларга доим ёвуз кучлардан асровчи, мусибатлардан халос этувчи, муқадас ашё сифатида эъзозланиб келишга олиб келган [12,9].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки бугунги кунда зиёратгоҳ ва қадамжоларда амал қилинаётган урф-одатларнинг баъзилари исломгача бўлган эътиқодларга бориб тақалади. Муқаддас жойлар инсонлар учун нафақат аждодлар руҳига бўлган эътиқод, балки руҳий таскин топиш, авлиёдан мадад олиш ва касаллигига даво излаш каби

мақсадларни ўзида мужасамлаштирган ўзаро мулоқот марказига айланган. Шу сабабдан бугунги кунда муқаддас жойлар этнографлар, фольклоршунос, руҳшунос, социолог ватиббийёт ходимлари учун тадқиқот марказига айланмоқда. Шунингдек, зиёратгоҳлар кишилар тасаввурида инсонийлик, меҳр-оқибатли, инсоф-диёнатли бўлиш каби хайрли ишларга чорловчи маскан вазифасини ҳам ўтайди. Шулар билан бир қаторда, бугунги кунда бутун дунёда экология соҳасидаги муаммолар етакчилик қилган бир даврда воҳа зиёратгоҳларининг табиатни асрашдаги муҳим вазифасини, яъни экологик қўриқхона сифатидаги аҳамиятини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Снесарев Г. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. — Москва, 1969. — С.279.
2. Жабборов И. Ўзбек ҳалқи этнографияси. — Тошкент, 1992. — Б. 236
3. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. Л., 1974.—С.25.; Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т.Узбекский народный героический эпос. М., 1947. —С.303.; Имомов К., Мирзаев Т. ва бошқалар. Ўзбек халқ поэтик ижоди. — Тошкент, 1990. —Б.229.
4. Бахриддинов Б., Саидов А. “Тош куёв” ва “тош қизлар” сири// Сирли олам. Тўртинчи тўплам. — Тошкент, 1988. —Б. 100.
5. Оға Бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. —Тошкент: 2008. —Б. 37.
6. Жумабеков А., Алиқулов Р. Қадимги турк халқларида умай она тушунчаси. — Самарқанд. 1999.
7. Оға Бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. —Тошкент: 2008. —Б. 37.
8. Гулямов Я.Г.Кладбище Кулпи-Сар//. ИМКУ, Т., 1961 Вып 2. — С. 92-93.; Пардаев М.Х. Северозападная Уструшана в эпоху раннего средневековья (по материалом нижнего течения р. Сангзар) АКД. Ташкент, 1995. — С.11.
9. Гулямов Я.Г.Кладбище Кулпи-Сар//. ИМКУ, Т., 1961 Вып 2. — С. 92-93,94-96.
10. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. — Тошкент: 1963.
11. Вадецкая. Э.Б. Древние идолы Енисея.Л, 1967. — С.9.

Дала тадқиқотлари:

1. Дала тадқиқотлари. Янгиобод тумани, Пасткисармич қишлоғи. 2014 йил июль.
2. Дала тадқиқотлари. Янгиобод тумани, Юқорисармич қишлоғи. 2014 йил июль.

3. Дала тадқиқотлари. Янгиобод тумани, Муғол қишлоғи. 2014 йил, июль.
4. Дала тадқиқотлари. Зомин тумани Увол қишлоғи. 2016 йил, апрел.
5. Дала тадқиқотлари. Зомин тумани Пешоғор қишлоғи. 2017 йил, май.
6. Дала тадқиқотлари. Жиззах тумани Равот ҚФЙ, Учқиз қишлоғи. 2015 йил, май.
7. Дала тадқиқотлари. Фориш тумани Сайёд қишлоғи. 2017 йил, май.

Ахборотчилар рўйхати:

1. Бегимқулов Шойимқул 77 ёш. Янгиобод тумани, Юқорисармич қишлоғи. 2014 йил июл.
2. Почтаев Саидхўжа 54 ёш. Янгиобод тумани Юқорисармич қишлоғи. 2014 йил, июль.
3. Умирзоқов Абдужаббор 62 ёш. Зомин тумани Увол қишлоғи. 2016 йил, апрел. Исмоилов Самандар 35 ёш. Фориш тумани Сайёд қишлоғи. 2017 йил, май.
4. Эргашев Сафар 54 ёш. Зомин тумани Пешоғор қишлоғи 2017 йил, май.
5. Наханбоев Эшқул 63 ёш. Жиззах тумани Равот ҚФЙ, Учқиз қишлоғи. 2015 йил, май.



1-расм



2-расм



3-расм



4-расм



5-расм



6-расм